

АЙБИГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА ЖАЗО ТАЙИНЛАШДАГИ ЎРНИ

Ситора Бахромжон қизи АХМЕДОВА

таянч докторант

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада айбига иқдорлик тушунчаси ва аҳамияти, ижтимоий ҳуқуқий зарурати, ривожланиш тарихи, жазо тайинлаш билан боғлиқ амалиётдаги айрим муаммолар бўйича фикр-мулоҳазалар юритилиб, таклиф ва тавсиялар ёритилган. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли таъминлаш, айбига иқдорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлаш институтининг мазмун-моҳиятига аниқлик киритилиб, амалиётдаги айрим муаммолар бўйича фикр-мулоҳазалар келтирилган ҳамда таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: айб, иқдорлик, келишув, жазо, ҳуқуқ, эркинлик.

ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ И РОЛЬ ИНСТИТУТА СОГЛАШЕНИЯ О ПРИЗНАНИИ ВИНЫ В НАЗНАЧЕНИИ НАКАЗАНИЯ

Ситора Бахромжон кизи АХМЕДОВА

базовый докторант

Академия Министерства внутренних дел

Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

Рассмотрены понятие и значение признания вины, его социально-правовая необходимость, история развития, некоторые проблемы в практике, связанные с назначением наказания, представлены предложения и рекомендации. Уточнены содержание и сущность института назначения наказания за преступления, по которым заключено соглашение о признании вины, обеспечивающее надежную защиту прав и свобод граждан. Высказаны мнения по некоторым проблемам практики и разработаны соответствующие предложения.

Ключевые слова: вина, признание, соглашение, наказание, право, свобода.

Республикамізда сўнгги йилларда жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият қаратилиб, жиноий жазолар тизими, уларни тайинлаш ва ижро этиш механизмларини қайтадан кўриб чиқиш мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланганлиги жазоларни тайинлаш ва ижро этиш

механизмларини ҳам тадқиқ қилинишини тақозо қилади [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018), «Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) қарорлари ҳамда соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар белгиланган вазифаларни амалга оширишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур ислохотлар давоми сифатида 2021 йил 18 февралда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, ушбу Қонун билан Жиноят-процессуал кодексига ва Жиноят кодексига айбига иқдорлик тўғрисидаги келишув институти ва айбига иқдор бўлганлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлашга оид нормаларнинг киритилиши муҳим ислохотлардан бири ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу институт Европадаги кўплаб давлатларда, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва АҚШ қонунни қўллаш амалиётида кенг доирада амал қилмоқда.

Мисол учун, Буюк Британия судлов тизимида ўрта асрлардаёқ қўлланила бошлаган мазкур институт кейинроқ АҚШ қонунчилигига кириб келди. Ҳозирги кунда айнан АҚШ процессуал қонунчилик тизимида ундан самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, 2019 йил давомида АҚШ федерал судларининг 95 фоиз ишлари келишиш асосида ўз ечимини топган. Буюк Британияда эса, бу кўрсаткич камроқ нисбатни ташкил этади, яъни магистрат судларда қўрилган ишларнинг 87 фоизи келишув асосида тугалланади.

Тарихчиларнинг таъкидлашларича, қадимги юнонлар ва римлик савдогарлар ўртасидаги турли муносабатлар воситачилар ёрдамида тартибга

солинган. Қадимги Рим ҳуқуқида яъни, Юстиниан қонунларида низоларни ҳал этувчи воситачилар турлича номланиб келган, улар сирасига *internuncius*, *medium*, *intercessor*, *philantropus*, *interpolator*, *conciliator* ва ниҳоят, медиаторни киритишимиз мумкин. Баъзи қадимги қабилалар ўзаро келишмовчиликларни қабила кексалари ёки бошлиқларининг қарори билан ҳал этганлар. Жиноят процессида эса айбига иқрорлик институти замонавий процессуал шаклда XX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди ва олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилиши натижасида унинг асоси ва мазмун-моҳиятини жиноят процессуал қонунчилигида ўз аксини топтиришга ҳаракат бошланди. Шундан бўлса керак, далиллар назариясига оид манбаларда айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши – энг яхши далил, “далилларнинг гултожиси” ҳисобланиши ҳақидаги фикрлар келтирилади [3].

Айбига иқрорлик тўғрисида келишув қонунчилигимизга яқин йилларда киритилган бўлса-да, бу давлатчилигимиз тарихида умуман қўлланилмаган дегани эмас. Сабаби, Ўзбекистонда ноанъанавий тартибда турли номлар ва атамаларда қўлланилиб келинган тарихий яраштирув усули – ахлоқ қоидалари, урф-одатлар ва умуман олганда, ислом дини қонун-қоидалари билан узвий боғланиб кетган. Чунки таниқли шарқшунос олим, А.Массэ ислом ҳуқуқида одат расм-русум масалалари ҳуқуқ нормалари билан муштарак эканлигини таъкидлайди [8]. Низоларни ҳал этишда ислом қонунларини ўхшашлиги бўйича қўллаш, қиёслаш, таққослаш, солиштириш ва мушоҳада қилиш усули Абу Ханифа (р.а) томонидан кенг фойдаланилган усуллардан бири бўлган. Абу Ханифа (р.а) – муайян масала юзасидан барча томонларнинг яқдил фикри, яъни бирлашиш, иттифоқ бўлиш, келишиш, азму қарор қилиш, муҳокама этиладиган масала юзасидан тарафларнинг қатъий бир фикрга келишуви тарафдори бўлган, яъни ҳозирги тил билан айтганда, медиацияни қўллаган [9]. Абу Ханифа (р.а.) – томонларни бир қарорга келиштиришда арабча – ижтиҳод қилиш – яъни ғайрат қилиш, интилиш, барча билимлар ва тоқатни ишга солиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган. Чунки бу меъёр ўша давр ва ҳозирги исломнинг асосий таянчларидан

биридир. Буюк аллома Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя”сида жабрланувчининг айбланувчи билан ярашганлигига оид муносабатлар тўғрисидаги қоидалар қадимдан мавжуд [4].

Буюк бобокалонимиз Амир Темур ўз тузукларида – халқнинг эмин-эркин турмуш-тарзини таъминлаш учун айрим давлатлар билан қарашларда тафовут бўлса-да, тинчликпарварлик сиёсати асосида муроса билан мулоқот қилганлиги, хатлар алмашиб, элчилар юбориб турганлиги баён этилган. Жаҳон давлатчилиги ва ҳуқуқ тарихида ҳозирги Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудида қарийб уч асрдан ортиқ ҳукмронлик қилган Бобурийлар салтанати бу заминда турли динлар – мусулмонлар, ҳиндулар, жаинлар ва бошқа диний оқимлар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериб, уларни яқинлаштириш мақсадида ислом қонунларига асосланган – Тавҳиди илоҳий, яъни муросаи мадора усулини жорий этди. Бу усул тараққиёт даражаси, сиёсий, ҳуқуқий, диний қарашлари турлича бўлган халқларни ягона давлатга бирлаштириш, жипслаштириш ва муросага келтиришдек ўта мураккаб вазифанинг ечимини топа олганлиги билан жаҳон ҳуқуқи тарихида ўчмас из қолдирди. 1920 йилдан 1990 йилга қадар бўлган 70 йиллик даврда совет ҳокимияти ўрнатилгач, қабул қилинган барча қонун ва қарорлар, аввало, социалистик мулк ва давлат манфаатларини кўзлаб ишлаб чиқилган.

“Айбига иқрорлик тўғрисида келишув” тушунчаси хорижий давлат қонунчилигида “судга қадар келишув” каби номларда ҳам учрайди.

Ҳозирги кунга келиб, юқорида кўрсатилган тушунчалар ўзининг замонавий кўринишини олиб, қонунчилигимизга янгича ном остида тадбиқ қилинганлигини кўришимиз мумкин.

Миллий қонунчилигимизда илгаридан “айб” тушунчаси мавжуд бўлган. Бироқ унга “келишув” сўзи жинойт қонунига янги атама сифатида кирди. Шу боис “айбига иқрорлик тўғрисида келишув” сўзининг таърифига тўхталадиган бўлсак, «келишув» сўзининг маъноси икки келишаётган

томоннинг ўзаро қулай ва манфаатли мақсадлар марказини топишини англатади.

Маълумки, “айб” юридик атамаси тилимизга араб тилидан кириб келган бўлиб, унинг луғавий маъноси “нуқсон” демакдир. Илмий жиҳатдан қараганда, “айб” атамаси турли маъноларга эга. Улардан бири “айб”нинг ҳуқуқий маъноси билан боғлиқ кенг тушунча бўлиб, у ҳуқуқ соҳалари қаторида жиноят ҳуқуқи фани ва жиноят ҳақидаги қонунчиликда ишлатилиш ўрнига қараб “қонунга хилоф ҳатти-ҳаракат” (жиноят таркибининг объектив томони – таъкид М.Р.) ёки “жиноятга тортишнинг зарур шакли” (жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси – таъкид М.Р.) ҳисобланади.

“Айб” тушунчаси жиноят ҳуқуқи нуқтаи назардан, бу – шахснинг жиноят қонуни билан белгиланган ўзининг ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг оқибатига нисбатан руҳий ва интеллектуал муносабатининг йиғиндиси ҳисобланади, яъни айб деганда, шахснинг ўз қилмишига нисбатан субъектив руҳий муносабати тушунилади [2]. Бироқ, ҳуқуқшунос олимамиз профессор М.Ражабова айбнинг жиноий-ҳуқуқий таърифини ишлаб чиқиб, уни қуйидагича изоҳлайди: “Айб – жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етган, ақли расо шахснинг ўзи содир этган ёки содир этаётган ижтимоий хавфли қилмишига ва (ёки) унинг жиноий оқибатига нисбатан руҳий муносабатининг (қасддан ёки эҳтиётсизлик) оқибатидир”.

“Иқроф” сўзининг луғавий маъноси эса, “эътироф этиш, рост деб ҳисоблаш, тан олиш, бўйнига олиш” маъноларида тушунилиши қайд этилган [6].

Айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув тушунчаси жиноят-процессуал қонунчилигида мутлақо янги институт бўлиб, жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш борасидаги хориж тажрибасининг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши шубҳасиз, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги замонавий талаблардан бири ҳисобланади. Ушбу институтнинг қўлланилиши, биринчи навбатда, фуқароларнинг ортиқча оворагарчиликларига чек қўйиш, кейинги навбатда

эса суриштирув ва дастлабки тергов органлари иш хажмини камайтириш, жазоларни либераллаштириш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг энг самарали усуллари билан бири бўлиб ҳисобланади.

Айбига иқдор бўлганлик тўғрисидаги келишув ўзи нима? Айбига иқдор бўлганлик тўғрисидаги келишув бу – жиноят ишида ўзига нисбатан қўйилган айбловга рози бўлган, келтирилган зарарни бартараф этган ва жиноятнинг очилишига фаол қўмаклашган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномаси асосида содир этган ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган ҳамда оғир жиноятлар учун прокурор билан тузиладиган келишув ҳисобланади [5] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57²-моддаси янги тахрирда қабул қилиниб, унда айбига иқдор бўлганлик ҳақида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинладиган жазонинг миқдори ёки муддати ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги кераклиги ҳақидаги норма белгиланган.

Айбига иқдорлик тўғрисидаги келишув институтининг самарали жиҳатлари:

- ўзаро зиддиятда бўлган томонлар муносабатларининг тез орада юмшаши;
- айбланувчи ёки судланувчининг айбига иқдорлик билдиришга тайёрилиги, жазони ўтай бошлаши;
- судлов ва айблов органларининг вақт ва маблағлари тежалиши;
- айблов органлари ўз вақтини оғир жиноятларни очишга қаратиши ва судларда жиноят ишларини қўрилишининг камайишига олиб келиши билан белгиланади.

Юқоридаги фикрлардан маълумки, мазкур институт миллий қонунчилигимизга киритилиши фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини қисқа вақт ичида, камроқ иш кучи ва харажат сарф қилган ҳолда тиклаш имконини берди.

Шу боис, айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлашнинг жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқий асосларини, уни тайинлаш амалиёти ва ижро этиш механизмларини қайта кўриб чиқиш, бу борадаги халқаро стандартлар ва айрим хорижий давлатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича жазо тайинлашнинг самарадорлигини янада ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Судларнинг 2021 йил давомида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти билан боғлиқ статистик кўрсаткичларнинг таҳлили, мазкур институтни қўллашда қуйидаги муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Амалиётда айбига иқрорлик тўғрисида тузилган келишувлар сони судлар томонидан умумий кўрилган ишлар сонига нисбатан пастлигича қолмоқда. Жумладан, судлар томонидан 2021 йил давомида 61 263 нафар шахсга нисбатан 47 657 та жиноят иши кўриб чиқилган бўлиб, шундан 120 нафар шахсга нисбатан 87 та жиноят иши айбига иқрорлик тўғрисида келишув тасдиқланган ҳолда келиб тушган жиноят ишлари ҳисобланади. Бунда судларга айбига иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлаш тўғрисида келиб тушган ишларнинг 118 нафар шахсга нисбатан 86 таси (98%) бўйича келишув тасдиқланган, 2 нафар шахсга нисбатан 1 таси (2%) эса рад қилинган. Айбига иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлаш тўғрисида келиб тушган 120 нафар шахсга нисбатан 87 та илтимосномаларнинг 12 таси ижтимоий хавфи катта бўлмаган, 52 таси унча оғир бўлмаган, 23 тасини оғир жиноятларни ташкил этган. Айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув тасдиқланиб кўрилган 86 та жиноят иши бўйича 118 нафар шахснинг: 26 нафари ёки 22 фоизига жарима; 43 нафари ёки 36 фоизига ахлоқ тузатиш ишлари; 26 нафари ёки 22 фоизига озодликни чеклаш; 14 нафари ёки 12 фоизига озодликдан маҳрум қилиш жазоси

тайинланган бўлса; 6 нафари ёки 5,1 фоизига шартли ҳукм қўлланилган; 3 нафари ёки 2,5 фоизига жазо тайинланмасдан ҳукм чиқарилган [7].

Юқорида кўрсатилган таҳлиллар айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдорини судлар томонидан қўллашда ягона амалиётнинг йўлга қўйилмаганлигини кўрсатмоқда. ЖКнинг 57²-моддасида айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги кераклиги ҳақидаги норма белгиланган. Бироқ, суд амалиётининг таҳлили ушбу талабга барча судлар ҳам риоя этмаётганини кўрсатмоқда ва қўллаш амалиёти салмоғининг камлигича қолаётганлиги ушбу соҳадаги айрим жиҳатларни тадқиқ қилиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Таъкидлаш жоизки, мазкур институт авваламбор жиноят иши бўйича жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг ҳуқуқларини тиклашнинг самарали механизми ҳисобланиб, жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этишда ким айбдорлиги, у билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш, шунингдек жиноят оқибатида етказилган зарарни бартараф этишга қаратилган.

Қуйидаги айрим масалаларни тадқиқ қилиш орқали юқорида назарда тутилган мақсадларни амалга ошириш имконини беради:

биринчидан, ЖКда айбига иқрорлик тўғрисида келишув институтининг аниқ раҳбарий тушунчаси йўқлиги, унинг жиноий-ҳуқуқий аҳамиятини очиб бермаслиги ва қонунни қўлловчи томонидан ягона тушунча шаклланмаслигига олиб келиши;

иккинчидан, айбига иқорлик тўғрисида келишув тузилган тақдирда жазо тайинлаш масаласида бир неча махсус қоидаларнинг мавжуд эмаслиги судлар томонидан турли хил амалиётлар вужудга келаётганлиги билан тавсифланади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳозалардан келиб чиққан ҳолда қонунни қўллаш амалиёти ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

1) Жиноят кодексининг 57²-моддасига қуйидагилар билан тўлдирилсин: “Шахс Махсус қисмнинг турли моддаларида назарда тутилган ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятларни содир этган бўлиб, тергов ёки суд жараёнида ўз ҳаракатларини моҳиятини англаб етиб, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини инкор этмаса ҳамда уни бартараф этса, айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузилишига имкон берилади ва мазкур жиноятлар учун тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак”.

2) Жиноят кодексининг 57²-моддаси қуйидаги 2-қисм билан тўлдирилсин: “Суд жазо тайинлашда шахс томонидан содир этилган жиноят хусусияти, 57²-моддаси 1-қисмида кўрсатилган шартларнинг бажарилганлик даражасини инобатга олган ҳолда ЖКнинг 57-моддасини қўллаш масаласини ҳам кўриб чиқиши мумкин”.

Хулоса қилиб айтганда, айбига иқрорлик бўйича келишув институтининг мамлакатимиз жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигига татбиқ этилиши, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси юқори поғонага кўтарилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 май ПҚ-3723-сон қарори [Электрон манба]. URL: <https://www.lex.uz/docs/3735818>.

2. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи: дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2006

3. Соловьева Н.А. Историко-правовой анализ института признания вины в отечественном уголовном судопроизводстве // Вестник Волгогр. гос. ун-та. Сер. 5, Юриспруденция. – 2011. – № 1 (14) – С.210-220.

4. Тўлаганова Г.З., Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. Ўқув қўлланма / проф.Ғ.А.Абдумажидов таҳрири остида. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 141 б.

5. Хайриев Н.И. Жиноят ишлари юритувини жадаллаштириш: юридик фанлар доктори (DSc) диссертация. – Тошкент, 2019. – 292 б.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.IV. // <http://n.ziyouz.com>

7. O‘zbekiston Respublikasi Oliy sudining 2022 yil 10 oktyabrdagi 07/14-12515-325-sonli ma’lumotnoma

8. <http://en.wikipedia.org/wiki/Mediation/History/Messe>

9. <http://en.wikipedia.org/wiki/Mediation/History>; Restorative Justice in the Twenty First century and in the History: A Social Movement Full of Opportunities and Pitfalls by Mark S. Umbreit, University of Minnesota, 2002, p.268